

# ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

7«11»2022 yil.

195-12-171-OB/2022-sон  
Гурлан туман

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи **Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **И.Рахимов** бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи **"XORAZM YOL KOPRIK QURILISH" МЧЖ** номидан иш юритувчи раҳбар **Н.Саидов** иккинчи томондан, «Гурлан туман Ўйилма махалласида очиқ бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш» обьектига смета хужжатларини ишлаб чикиши шартномасини туздилар.

## 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириги бўйича ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва микдорда хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоатлари лойиха смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чикиш тартиби ва тасдиқлаш» хақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

## 2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, **ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади**.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириги бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ хужжатларини ишлаб чикиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

## 3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**03.11.2022 йил Лот № 170814**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда **28 600 000 (Йигирма саккиз миллион олти юз минг)** сўмни ташкил этади.

## 4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи хисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қиласи ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, хажми, сифати ва Лойихачининг хисоботи текширилиб, Давлат экспертизалиаридан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътиrozлар бартараф қилиниб ижобий хulosалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни хисобга олган холда якуний тўловни амалга оширади.

## 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш хақидаги топшириқка ва бошка бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекни ЛСХ хужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, рапгаз, ёнғин хавфисизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлади.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, мухандислик қидирив хulosаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда курилиш ишлари тўлалигича яқунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ хужжатлари асосида курилганилиги тўғрисида хulosha такдим қилиш.

5.7. ЛСХ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНҚ талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

### Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига хақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлик бўлмаган холатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошлангич маълумотлар ўзгариши билан боғлик кўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзгатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг хуқуқлари:

- ЛСХ хужжатларини ишлаб чиқиши жараёнида зарурат бўлса айрим маҳсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга хақлиdir.

## 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати техник топширикда аникланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топширикда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргалиқда илова қилиб битта электрон вариант ва Зта нусхада хужжатлар комплектини хисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироz билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътироz бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганилиги хакида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофик бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқиши керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юкланди.

6.7. Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аникланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофик белгиланади.

## 8. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

8.1. Томонлар хамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Узбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тұгрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар кандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу харакатларга йул куймаслик бўйича чоралар курилишига кафолат беради.

## 9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс – мажор).

9.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган бошка кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиласидилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар кайсиси шартномани бекор килинишини талаб қилишга хақлидир.

### 10. Қўшимча шартлар

10.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш хукуқига эга эмас.

10.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хукукий базаси тургисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

### 11. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

11.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

11.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарлиқдан озод этилмайди.

11.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

### 12. Бахсларни ҳал этиш тартиби

12.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгариши ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзора мухокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Шартномани ўзгариши ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

13.1. Ушбу шартномага хар кандай ўзгариши ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хакиқий хисобланади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан ўйл қўйилади.

13.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошик муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга хақли.

13.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошик муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга хақли.

13.5. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгacha эътиroz билдиримаса шартнома бекор қилинган хисобланади.

### 14. Томонларнинг реквизитлари:

#### Буюртмачи:

Гурлан туман

Ободонлаштириш бошкармаси

Манзили: Гурлан туман Мустақиллик кучаси 2-й  
Телефон: +99862 3651540  
ш/хр 401722860332087045204110004  
СТИР 206944034  
Молия вазирлиги фазначилиги  
Фазна x/b: 2340 2000 300 100 001 010  
Марказий банк Тошкент шахар XKKM  
МФО 00014 СТИР 201 122 919

#### Лойихачи:

“XORAZM YOL KOPRIK QURILISH”

МЧЖ

Манзили: Урганч шахар Партов к 6-й 2 пр  
Телефон: 97-791-6525  
Х/р -20208000204600825002  
СТИР -300384037  
ОКОНХ



Н.Сайдов

	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	IKROM RAXIMOV AXMEDOVICH
	Imzolangan sana	07.11.2022 10:29
	Hujjat kodi	XC2707072365
	Hulosa kodi	KQ7680022331

195-12-171-OB/2022-son шартномага 1-илова

“Гурлан туман Ўйилма махалласида очик бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирилаш”  
бўйича лойиха ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар киймати жами, минг сум	шу жумладан 2022 йил		курил иш давом ида
				ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7
1	“Гурлан туман Ўйилма махалласида очик бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирилаш”	Лойиха-смета ишлари	28 600,0	28 600,0		-
	ЖАМИ:		28 600,0	28 600,0		-

Буюртмачи



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 170814 на приобретение Гурлан туман Ўйилма махалласида очиқ бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш.**

Способ проведения электронный

Дата 03.11.2022

Время рассмотрения 02.11.2022 22:30

Закупочная комиссия Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Бошқарма бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	NARIMMETOV O'TKIRBEK SHUXRATOVICH	Иқтисодчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Техник назоратчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Инфратузилма обектлари ва автотранспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	SARIBAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Бош муҳандис	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.11.2022 года № лота 170814.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Гурлан туман Ўйилма махалласида очиқ бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўtkазиб бериш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	33 600 000.00
Стартовая сумма	33 600 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Mashina va mexanizmlar ro‘yxati

Тип: Бинарное значение

Описание: Loyihani bajarish uchun zarur bo‘lgan 2 ta dan kam bo‘lmagan oxirgi 20 yillikda ishlab chiqarilgan shaxsiy TV mavjudligi (20 yildan oldin ish/chiq TV baholanmaydi.)-8 ball: Loyihani bajarish uchun zarur bo‘lgan 10 ta birlikdan kam bo‘lmagan ofis texnikalarining mavjudligi: Kompyuterlar jam-masi kamida-3 ta; Nusxa olish va ko‘chirish texnikalari kamida-3 ta; Maxsus asboblar kamida 4 ta (niveler, shagomer, lazerniy metr va b.q) (xar bir ofis texnikasi uchun 1 ball)-10 ball: Loyihani baj u-n zarur bo‘lgan kamida quyidagi 2 ta lit-gan, sekatga ega das/ta’m: ABS4 – 5 ball: Qurqiyomat - 4 ball

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	27	1	21	Экспертная		
ХОРАЗМЙУЛЛОЙИХА МЧЖ	27	1	27	Экспертная		
"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	27	1	27	Экспертная		
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	27	1	27	Экспертная		

Критерий №2 Tanlash ishtirokchisining moliyaviy ahvoli

Тип: Бинарное значение

Описание: Asosiy vositalarning qoldiq qiymati 100 mln. so‘m va undan ko‘p-7ball: Muddati o‘tgan kreditorlik qarzdorligi mayjud emasligi-7 ball: O‘tgan yilda 20 mln.so‘m foydasi (soliq to‘langunga qadar) mavjudligi-7 ball: Davlat ro‘yxatidan o‘tgan sanasi (xar bir yil uchun 1 ball 10 yil uchun 10 ball) (Korxona guvoxnomasi va nizomi yuklanadi)-10 ball: Ob’ektning buyurtmachi belgilangan boshlang‘ich narxining 20%gacha miqdoridagi aylanma mablag‘lar mavjudligi (xizmat qiluvchi bank tomonidan tasdiqlangan aylanma mablag‘lari mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotnomasi asosida baholanadi)-7 ball

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	38	1	29	Экспертная		
ХОРАЗМЙУЛЛОЙИХА МЧЖ	38	1	31	Экспертная		
"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	38	1	36	Экспертная		
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	38	1	29	Экспертная		

Критерий №3 Tanlash ishtirokchisi haqida umumiylar ma’lumotlar

Тип: Бинарное значение

Описание: Ish stajji 3 yildan kam bo‘lmagan oliv ma’lumotli qurilish mutaxassisligiga ega bo‘lishi majburiy rahbarlardan 1 kishi mayjudligi-8 ball: 5 yil ish stajjiga ega 2 kishidan kam bo‘lmagan diplomga ega injener-texnik xodimlarni mavjudligi. (xar bir xodimga 4 ball)-8ball: Doimiy ravishda ishlovchi 10 tadan kam bo‘lmagan malakaviy ishchilar mavjudligi. (xar bir xodimga 0,8 ball)-8 ball: Mexnatni muxofaza kilish va texnik xavfsizlik xodimlari 1 kishi mavjudligi-8 ball

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	32	1	24	Экспертная		
ХОРАЗМЙУЛЛОЙИХА МЧЖ	32	1	32	Экспертная		
"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	32	1	32	Экспертная		
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	32	1	24	Экспертная		

Критерий №4 Qurilish maydonini ko'rganlik va loyihani o'rganganlik to'g'risida ma'lumotnoma

Тип: Бинарное значение

Описание: Qurilish maydonini ko'rganligi va loyihani o'rganib chiqilganligi to'g'risida ma'lumotnomada obeykti organligi va shu obyekt chizmasini korsatishi shart-3 ball

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	3	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ХОРАЗМЙУЛЛОЙИХА МЧЖ	3	1	3	Экспертная		
"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	3	1	3	Экспертная		
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	3	1	3	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	33 600 000.00	28 600 000.00 UZS	28 600 000.00	00.00	28 600 000.00	01.11.2022 12:54:42	20
ХОРАЗМЙУЛЛОЙИХА МЧЖ	33 600 000.00	33 000 000.00 UZS	33 000 000.00	00.00	33 000 000.00	31.10.2022 16:54:29	17.33333
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	33 600 000.00	33 000 000.00 UZS	33 000 000.00	00.00	33 000 000.00	01.11.2022 17:29:13	17.33333

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл

"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ	78.4	20	98.4
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ХОРАЗМӢУЛЛОЙИХА МЧЖ	74.4	17.33333	91.73333
"LOYIHA STRUKTURA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	66.4	17.33333	83.73333

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 170814 от 03.11.2022 года на приобретение Гурлан туман Ўйилма махалласида очиқ бюджет парталида ғолиб бўлган Амир темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмиrlаш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

"XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ  
300384037

и резервный исполнитель: ХОРАЗМӢУЛЛОЙИХА МЧЖ (200408269)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Согласен	
Член комиссии	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Согласен	
Член комиссии	SARIBAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП